



Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси

Ш.Ш. Шарахметов

2021 йил 7 июль

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил II-ярим йиллик учун
мўжжалланган

ИШ-РЕЖА ДАСТУРИ

№	Чора-гадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	“Тўрақўрғон нефть базаси” МЧЖ томонидан дехқон, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига нефть маҳсулотлари белгиланган нархларда етказиб берилиши юзасидан ўрганиш ўтказиш.	Июль	Наманган вилояти худудий бошқармаси (Абдуллаев)
2.	Истеъмолчиларга суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасида, хусусан транспорт ҳалокати ва бошқа энг кўп учрайдиган ҳодисаларда суғурта мукофотларини тўлаб берилиши ҳолати юзасидан танлов асосида ўрганиш ва таҳлил ўтказиш.	Июль-Август	Э.Хайтметов, Худудий бошқарма бошлиқлари
3.	Озиқ овқат маҳсулотлари бозорида “картель” келишувлари ва тил бириктиришларни аниқлаш, нархларнинг асоссиз ошишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш мақсадида бозорда таҳлил ўтказиш ва ўрганиш натижалари тўғрисида мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига, Олий Мажлис Сенатига ва Президент Администрациясига таклифлар киритишни таъминлаш.	Август	Ш.Жураев

№	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги ПКҚ–5031-сон Қарорига асосан Ҳукуматнинг айрим қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Август	Х.Табибов, Ш.Шадманкулов
5.	“Мусаффо оби-ҳаёт” МЧЖ томонидан етказиб берилаётган ичимлик суви таъминоти бўйича ўрганишлар ўтказиш.	Август	Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси (Исмоилов)
6.	Ҳудудий сув таъминоти ташкилотлари томонидан аҳолига етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати, ҳолати, стандартлар ва ўрнатилган талабларга мувофиқлиги юзасидан ўрганиш ва таҳлиллар ўтказиш.	Август	Э.Хаитметов, Ҳудудий бошқарма бошлиқлари
7.	Бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган даволаш, профилактика муассасаларида, шу жумладан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар учун қўлланиладиган тарифларни асослилигини ўрганиш.	Август	Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси (Холматов)
8.	Кўмигага бириктирилган Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги 10 та (Фарход, Ватанпарвар, Ватан, Нуробод, Ҳамдўст, Ширин, А.Соғуний, Дийдор, Янгийўл, Диёробод) маҳаллаларда “намунавий маҳалла” қиёфасини яратиш бўйича амалга ошириладиган ишларни, уларни ривожлантириш ҳамда у ерда янги кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш орқали “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган ишсиз фуқароларнинг бандилигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш	Сентябрь	К.Маматов, Ж.Авазов, Кўмитанинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи

№	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
9.	<p>Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини бошқаришни такомиллаштириш.</p> <p>Монополияга қарши курашиш қўмитасининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида Низом ишлаб чиқиш.</p>	Август-Сентябрь	Д.Насирова, Б.Махмудов, Ш.Шадманкулов
10.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиқиб аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун қўлланилаётган нарх ва тарифларни асослилигини ўрганиш.</p>	Сентябрь	Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси (Хайдаров)
11.	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартдаги 249-сонли Қарори билан тасдиқланган Товар бозорида сотиладиган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) монопол юқори ва монопол паст нархларини аниқлаш тартиби тўғрисида Низомнинг 6-бандига асосан Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ҳар чоракда чорак биринчи ойининг 10-кунига қадар монополияга қарши органга Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган товарларига қўлланиладиган нархлар тўғрисидаги маълумотларни мониторинг қилиш.</p>	Сентябрь	У.Давлатов, А.Оразмамедов А.Ботиров

№	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
12.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 55-сонли қарори билан тасдиқланган Вақтинчалик низомга мувофиқ ўтказилаётган танлов (тендер) савдоларида “Рақобат тўғрисида”ги Қонун талабларига риоя қилинганлигини ўрганиш ва аниқланган қонун бузилиш ҳолати юзасидан қўмига маълумот ва таклифларни тақдим этиш.	Сентябрь	Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари (Салимов)
13.	Маҳсулотларни экспорт қилишда поездларнинг ўрнатилган муддатларда ўз манзилларига етиб бориши ва унга ундирилаётган хизмат ҳаққи, шу билан бирга “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ тарифларини ўрганиш.	Сентябрь	Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси (Туробов)
14.	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгилаш ва ишлаб чиқиш.	Сентябрь-Октябрь	Д.Насирова, Ш.Шадманкулов
15.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритиш учун лойиҳаларни кўриб чиқишда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 303-сонли қарори талабларига асосан айрим турдаги маҳсулотларни тўйинганлик даражасини ўрганиш.	Октябрь	Ж. Хомидов
16.	Ўсимлик ёғи маҳсулотининг нархларининг ошиш сабабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.	Октябрь	Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси (С.Садиқов)

№	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
17.	Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига оид бўлган статистик маълумотлар асосида ижтимоий муҳим ва юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозорларида концентрация даражасини таҳлил қилиш.	Октябрь	В.Мустафина
18.	Сирдарё вилоят “Тоза-худуд” Давлат унитар корхонасининг шаҳар ва туман филиаллари томонидан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ҳажми, тарифи, сифати ва ҳолати юзасидан ўрганиш ўтказиш.	Октябрь	Сирдарё вилояти худудий бошқармаси (Маматкаримов)
19.	Электро-энергия соҳасида электр ишлаб чиқарилиши борасида нархларни (тарифларни) шаклланиши, нархлари (tariflari)ni давлат томонидан тартибга солиниши ҳамда монопол юқори ва монопол паст нархлар аниқланиши бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш	Ноябрь	Б. Юсупжанов, У. Давлатов, Ш. Шадманкулов
20.	Товар бозорларида нархларни шакллантиришда “картель” келишувлари ва тил бириктиришларнинг олдини олиш мақсадида монополияга қарши органнинг ваколатларини ва институционал салоҳиятини кучайтириш.	Ноябрь	Ш.Жураев Ш.Шадманкулов
21.	Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш: 1. Товар ва молия бозорларида давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш; 2. Хусусий корхоналар ва давлат иштирокидаги корхоналар бир товар ёки молия бозорларида фаолиятини “Давлат иштирокидаги корхоналар ташкил этилишини чеклаш”ни кўзда тутувчи “сарик саҳифалар” тамойили асосида таҳлил ўтказиш.	Ноябрь	В.Мустафина

№	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
22.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт муассасаларида кўрсатилаётган пуллик хизмат бозорини таҳлил қилиш (нархларни ўсишга таъсир этувчи омилларни ўрганиш).	Ноябрь	Бухоро вилояти худудий бошқармаси (Ҳамроев)
23.	Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталининг http://xarid.uz/ (http://xarid.uz/dxarid/deals ва http://xarid.uz/exarid/deals) сайтида харид якунлари бўйича бюджет ва корпоратив буюртмачилар томонидан амалга оширилаётган танлов ва тендер якунлари бўйича ўрганиш ўтказиш ҳамда қурилиш соҳасида ўтказиладиган танлов (тендер) савдоларида рақобат мухтини таъминлаш мақсадида мониторинг олиб бориш.	Ноябрь	М.Камилов, Худудий бошқарма бошлиқлари
24.	“Худудгаз Қорақалпоғистон” газ таъминоти филиали томонидан тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотларга шартномаларда белгиланган ҳажмларда табиий газ етказиб берилиши ҳамда тарифларнинг тўғри қўлланилиши юзасидан ўрганиш ўтказиш.	Ноябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Камалов)
25.	Вилоятда фаолият юритаётган тижорат банклари ва уларнинг филиалларида кредитлар ажратилиши ва бошқа банк хизматларини тақдим этилишида суғурта хизматларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.	Ноябрь	Сурхондарё вилояти худудий бошқармаси (Э.Эшкелдиев)
26.	Асосий истеъмол қилинадиган импорт маҳсулотлари бозорининг монополлашувига чек қўйиш. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11071-моддасига: товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг тугашининг халқаро режимини жорий қилиш; параллел импортга рухсат беришни кўзда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи ўзгартириш киритиш.	Декабрь	Ш. Жураев Ш. Шадманкулов

№	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
27.	Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда тижорат ҳуқуқи, рақобат ҳуқуқи, монополияга қарши курашиш соҳасида тартибга солиш, интеллектуал мулк, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби соҳаларда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимларнинг салоҳиятини тренинглар ўтказиш орқали ошириш учун экспертларни жалб этиш.	Декабрь	Б. Юсупжанов, Б. Махмудов
28.	Хорижий тажрибадан келиб чиқиб рақамли бозорларни таҳлил қилиш тартиб тамоилларни ишлаб чиқиш.	Декабрь	Ж. Хомидов
29.	Юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотларни биржа савдолари орқали сотилиши ҳамда нархлар бўйича доимий мониторингни амалга ошириб бориш.	Декабрь	Х. Табибов, Э. Магер, Д. Гулямов, Худудий бошқармалар
30.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПФ-6252-сон Фармони билан тасдиқланган “Йўл харитаси”ни ижро ҳолати бўйича Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментга ҳисобот бериш.	Декабрь	Х. Табибов, Э. Магер, Д. Гулямов
31.	Департамент томонидан тақдим этиладиган терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини молиялаштиришда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатини биржалар ва уларнинг аъзоларига тезкор етказилишини таъминлаш.	Декабрь	Х. Табибов, Э. Магер, Д. Гулямов
32.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятларга ташрифларига тайёргарлик кўриш доирасида Қўмигага бириктириладиган туманлардаги маҳаллаларнинг комплекс ижтимоий иқтисодий ривожлантириш “янги ўсиш нуқта”лари (драйверларни)ни шакллантириш ва тўлиқ ишга солиш, янги	Декабрь	К. Маматов, Ж. Авазов, Худудий бошқарма бошлиқлари

№	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, “маҳаллабай” ва “хонодонбай” ишлаш тизимида амалга ошириладиган ишларни ташкил этиш.		
33.	Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этилишини жадаллаштириш.	Декабрь	В.Мустафина А.Муллажонов
34.	Тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган Товар бозорида сотиладиган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) монопол юқори ва монопол паст нархларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни нархларини шакллантирилиши юзасидан мониторинг ўтказиш.	Декабрь	Жиззах вилояти худудий бошқармаси (Маматкулов)
35.	“Навоийазот” АЖ томонидан поливинилхлорид (ПВХ) маҳсулотини ишлаб чиқариш сотиш бозорини ўрганиш ва таҳлил қилиш.	Декабрь	Навоий вилояти худудий бошқармаси (Мухаммадиев)
36.	Худудий бошқармалар томонидан амалга оширилган ишларни ҳар чоракда ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш.	Декабрь	М.Камилов, Худудий бошқарма бошлиқлари
37.	Монополияга қарши курашиш соҳасига доир маълумотлар доимий равишда Қўмитанинг сайти, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилиш. Ундан ташқари ОАВ ресурсларига ҳам тақдим этиш.	Доимий равишда	Қўмитанинг марказий аппаратидаги бошқарма бошлиқлари, (М.Хасанова) Ахборот хизмати